# Ёзги соғломлаштириш

*Тадбир*

## СПОРТ БАЙРАМИ

***Меҳнаткашлар ҳамда уларнинг фарзандларини соғломлаштириш касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларидан биридир. Тошкент шаҳар ҳокимияти ва касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсатининг «Мактаб ўқувчиларининг таътил кунларида дам олдириш ва соғломлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги қўшма қарорига биноан жорий йилнинг июл-август ойларида Бўстонлиқ тумани ҳудудида жойлашган болалар соғломлаштириш оромгоҳлари жамоалари ўртасида спартакиада ўтказилди.***



Владимир ПОРТНОВ олган суратлар

Сўлим табиат гўшасидаги «Ўзэлектроаппарат» акциядорлик жамиятининг «Зафар», «Тошкент трактор заводи» очиқ акциядорлик жамиятининг «Белдирсой», 4-қурилиш трести акциядорлик жамиятининг «Қуёшли» ва «Алгоритм» акциядорлик жамиятининг «Алгоритм» болалар соғломлаштириш оромгоҳлари жамоалари ўртасидаги баҳслар ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.

Болалар спортнинг волейбол, мини-футбол, арқон тортиш, енгил атлетика турлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Волейбол бўйича тажрибали мураббий М.Колесников раҳбарлик қилган «Алгоритм» жамоаси қиз-



лари тенгдошларини мағлуб этиб, спартакиада ғолиби бўлишди. Шоҳсупанинг иккинчи поғонаси «Белдирсой» ва учинчи ўрин «Қуёшли» жамоасига насиб этди.

Мини-футбол бўйича баҳсларда «Белдирсой» жамоаси ўз устунлигини ҳар жиҳатдан исботлай билди. Умумжамоа ҳисобида бор-йўғи бир очко фарқи билан ушбу оромгоҳ терма жамоаси зафар қучди. Қатор йиллардан бери ғолибликни қўлдан бермай келаётган ва ҳудудлардаги оромгоҳлар ўртасида ҳам кучли жамоа ҳисобланган «Алгоритм» жамоасининг иккинчи ўринни эгаллаганлиги кўпчилик учун кутилмаган ҳол бўлди.

**У.ПЎЛАТОВ**

## УОБСОЙ ОРОМГОҲЛАРИДА БИР КУН...

**Фоторепортаж**

***Уобсой дараси — Моргузар тоғ тизмаси бағридаги минглаб булоқлардан қувват олган ўзгача файзу тароватга ошуфта ажойиб маскан. Бу ерда булбуллар хониши тинмайди. Уобсой бўйлаб бирин-кетин «Пахтакор», «Бўстон», Ш. Рашидов, Бобур номли болалар оромгоҳлари жойлашган. Уларда ҳозиргача мингдан ортиқ болалар ҳордиқ чиқаришди.***





Осмон билан бўйлашган виқорли чўққи тагида жойлашган «Пахтакор» болалар оромгоҳи. Маскан раҳбари Тошпўлат Файзиевни ходимлар билан кундалик иш юзасидан суҳбатлашаётган пайтда учратдик.

Ана, гуруҳларга бўлинган болалар ўз етакчилари раҳбарлигида белгиланган режага кўра турли хил машғулотлар ўтказишаяпти.

— Биринчи босқичда 180 нафар бола мириқиб дам олди, — дейди Т. Файзиев. — 14 июл куни иккинчи босқич бошланди. Мавсумда 450 бола дам олиши режалаштирилган. Шунинг учун унга пухта ҳозирлик кўрилди. Жиҳозлар учун Жиззах механика устахонаси 10 миллион сўм маблағ ажратди. Ишлар кўнгилдагидек бажарилди. «Жиззахпахтасаноатсотиш» тизимидаги ходимлар фарзандлари учун биринчи босқичнинг ўзида 2,5 миллион сўмлик йўлланма олинди ва имтиёзли тарзда улашилди.

Болаларга тоза ҳаво баробарида тўйимли ва сифатли озиқ-овқат зарур, албатта. Ҳар куни нонушта, тушлик, кундузги ва кечки овқатлар ширин ва мазали қилиб тайёрланаяпти.

Олти нафар гуруҳ бошлиқлари ва тарбиячилар бош етакчи Зулфия Раҳмонова бошчилигида болажонларнинг кундалик ҳаёти завқли, қизиқарли, сермазмун ўтиши йўлида фаол иш олиб боришаяпти.

Оромгоҳда бўлган кунимиз «Марҳабо талантлар» кўрик-танловига ҳозирлик кўрилаётган экан. Спорт, расм чизиш, рақс, меҳнат каби тўгараклар мунтазам ишлаб турибди. «Қувноқ қаламча» танловида Мафтуна Ҳасанова чизган суратлари билан ғолиб деб топилди. Футбол бўйича ўтказилаётган мусобақалар ҳам болаларнинг жону дилига айланган. Мўъжазгина кутубхонада 500 нусхадаги китоб бор. Кутубхоначи Д. Бозорова томонидан ташкил этилган «Эртаклар – яхшиликка етаклар» мавзуидаги тадбир болажонларда ажойиб таассурот қолдирди.





Вилоят қўғирчоқ театри ходимлари ҳам бу ерда тез-тез бўлиб туришаркан. «Ўзбеккино» уюшмаси Жиззах вилоят бўлими эса болаларбоп видеодискларни оромгоҳга тақдим этишган. Шифокор Т. Маматова билан ҳамшира Г. Пардаевалар болажонлар саломатлигидан доимо бохабар бўлиб туришибди.

Ш.Рашидов номли, «Бўстон» болалар оромгоҳларида ҳам бирмунча ибратли ишлар амалга оширилаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Шуниси диққатга сазоворки, ҳар бир оромгоҳда саранжом-саришталик ҳукмрон. Уобсой дарасидаги барча оромгоҳларда бугун болаларнинг шўх ва шодон ҳайқириқлари янграмоқда.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## ДАРЁ СОҲИЛИДА

***Шовиллаб оқаётган дарёдан ўтиб, Улуғбек номидаги оромгоҳ деб ёзиб қўйилган масканга бурилдик. Қалин дарахтлар билан қопланган сўлим гўшага киришимиз билан шабода юзимизга салқинлик уфурди. Мусиқа садолари булбул хонишлари билан ҳамоҳанг бўлиб, кишига ажиб шукуҳ бағишлайди.***

Ётоқхона ва йўлакчалар атрофи турли анвойи гуллар билан безанган. Ҳар бири 50-70 ўринли болалар ётоқхоналари, 550 ўринли ошхона, кутубхона, Маънавият ва маърифат хонаси, спорт майдонлари, чўмилиш ҳавзаси, «Эртаклар шаҳарчаси», фавворалар ва бошқа қўшимча бинолар дид билан таъмирдан чиқарилган.

— Болаларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди биз билан суҳбатда оромгоҳ директори Нишон Рўзиев. — Ётоқхоналар ва спорт иншоотлари етарли миқдорда жиҳозлар билан таъминланган. Йўл-йўлакай учрайдиган айрим муаммоларга қарамасдан, барча ички имкониятларни ишга солиб, мавсумга етадиган маблағга эга бўлдик.

Яккабоғ туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимига қарашли ушбу оромгоҳда мавсум давомида 1400 боланинг дам олиши режалаштирилган. Дастлабки навбатда 345 нафар бола ҳордиқ чиқариб, кейингиси учун дам олувчилар қабул қилинди.

Болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида Маҳфуза Муҳаммадиева бошчилигида 25 га яқин малакали тарбиячилар иш олиб боришмоқда. Лола Шоназарова, Гулнора Қўшаева, Райҳона Ашурова, Дилноза Хўжамуродова, спорт мураббийси Искандар Султонов «Қувноқ стартлар», «Балли, қизлар», «Балли, йигитлар» каби танловлар ҳамда турли спорт мусобақалари ўтказишга бош-қош бўлишмоқда.



Бу ерда рассомчилик, гулчилик, шахмат-шашка, футбол, волейбол тўгараклари ишлаб турибди. Болаларнинг бўш пайтини мазмунли ўтказиш мақсадида Шаҳрисабздаги «Оқсарой», «Кўкгумбаз», Амир Темур хиёбони, Соҳибқирон туғилган қишлоқ, Китоб туманидаги Улуғбек номидаги кенглик станциясига саёҳатлар ташкил этилмоқда. Белгиланган кунларда кинофильм ва концертлар намойиши ҳам бўлиб турибди. Қўшни «Соҳибқирон», Майна Ҳасанова, Охунбобоев номли оромгоҳлари болалари билан спорт мусобақалари ташкил этилмоқда.

**Хайрулла ТЎРАЕВ,**
**Яккабоғ тумани**

## СУЗИШ ҲАВЗАСИ

***Қаршида ўтказилган "Умид ниҳоллари-2006" мусобақалари ва иккинчи аёллар спартакиадаси якунлари воҳада сув спортини оммалаштиришга эътиборни кучайтириш кераклигини исботлади.***

Вилоят ҳокимлиги ва касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташаббуси билан Олимпия заҳиралари коллежида синхрон сузиш тўгараги ташкил этилди. Кўп йиллардан буён Сирдарё вилоятида ишлаб келаётган "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси", халқаро тоифадаги мураббий Ольга Стеркова Қашқадарёга таклиф қилиниб, ёшларга мураккаб спорт турини ўргатмоқда. Коллежнинг ёпиқ ҳавзаси ёшлар ихтиёрига берилган.

Республика касаба уюшмалари Федерацияси томонидан 1 миллиард 216 миллион сўм маблағ сарфланиб, "Насаф" марказий ўйингоҳи ёнида жаҳон андозалари талабларига мос келадиган замонавий сузиш ҳавзаси қуриб, фойдаланишга топширилди.

Бу мажмуани Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси қўлигул қурувчилари қисқа муддатда қуриб битказдилар. Мажмуа ёнида 100 миллион сўм маблағ сарфланиб, спортнинг қўл тўпи, волейбол, баскетбол турлари билан шуғулланиш учун ўйингоҳ бунёд этилди.

Яқинда ушбу сузиш ҳавзасининг очилишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда қатнашган кенг жамоатчилик вакиллари, Қашқадарё вилоят ҳокими Н.Зайниев, ЎзКУФК раисининг биринчи ўринбосари М.Содиқов ва бошқалар мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш соҳасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар ҳақида гапирдилар. Сузиш ҳавзасининг очилишида ёш спортчилар ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## ОҚИБАТ

*Мулоҳаза*

***Одатда, оқибат сўзи тилга олинганда, албатта, у билан бирга меҳр-муҳаббат, мурувват сўзлари ҳам қўшиб айтилади. Чунки юқоридаги фазилатларсиз инсон оқибатли бўла олмайди. Муқаддас Ҳадиси шарифда ҳам "Бир-бирингизга оқибатли бўлинг, зеро, у ўртадаги меҳр ришталарини янада мустаҳкам боғлайди" дейилади.***

Оқибат сўзининг луғавий маъноси саховатли қалбнинг ўзгаларга мурувват кўрсатиши, ёмонликдан, адолатсизликдан ҳаё қилиб, андиша билан иш тутиши демакдир. Одатда, бирорбир кишига оқибат кўрсатганларнинг ҳам, ундан баҳраманд бўлганларнинг ҳам чеҳраси доимо яшнаб юради. Кексаларимиз саховатсиз инсоннинг юзи нурсиз бўлишини уларнинг оқибатсизлиги билан изоҳлаши ҳам бежиз эмас. Оқибатсиз инсонлар нафақат атрофдагиларга, балки билиб-билмай ўзларига ҳам ёмонлик келтирадилар. Қуйидаги икки воқеа ҳам ана шу ҳақда.

Қишлоғимизнинг ўзига тўқ, бадавлат одамларидан бири ҳисобланмиш Маҳкам аканинг икки ўғил ва бир қизи бор эди. Тақдир тақозоси билан у киши ҳаётдан эрта кўз юмди. Ундан данғиллама ҳовли, машина ва бошқа кўплаб мол-мулк қолди. Марҳум вақтида икки ўғлини ҳам ўқитиб, ишли, оилали қилишга улгурган эди. Энг муҳими, уларнинг ҳар бирига алоҳида уй-жой қуриб берган эди. Аммо ота дунёдан ўтгач, оқибатсиз ўғиллар ундан қолган уй-жойга ҳам кўз тика бошладилар. Аввалига бир-биридан пинҳона равишда ёши ўтиб қолган оналаридан уйни ўз номига ўтказиб беришни илтимос қилишди. Кейинчалик бу ҳол ошкора намоён бўла бошлади. Бир-бирига сездирмаслик учун пинҳона келиб-кетиб юрган ака-укалар энди очиқчасига онанинг олдида уруш-жанжал қиладиган даражага етишди. Энг ёмони, икки ўғил ҳам онага маломат тошларини ёғдиришарди. Она ҳайрон, лол. Ахир, уйни уларнинг қайси бирига берсин? Ака-укалар уйни тенг бўлиб олишга ҳам кўнишмади. Онаизорни бир нарса қаттиқ ўйга толдирарди. Уй-жойга муҳтожлиги бўлмаган фарзандлари нима учун бу даражага боришаяпти? Нега уят-андишани унутиб, бир ҳовли учун ёвлашаяпти? Бу аҳволда эртага у дунёдан кўз юмгач, ака-укаларнинг ҳоли не кечади? Қўни-қўшни, қариндош-уруғлар оқибатсиз ака-укаларнинг бу қилмишини қандай баҳолашади?..

Ёлғиз қизи ҳам акаларининг жанжалларидан безиб, уйга келмай қўйди. Бир гал келганида катта акаси унга "сен нега бунча серқатновсан, ё сени ҳам бирор умидинг борми?" дея ўшқирган экан. Бу гапдан хафа бўлган сингил ота уйидан оёғини тортди. Онаизорнинг эса боши қотган...

Узоқ йиллар мактабимизда фаррош бўлиб ишлаган аёлнинг ҳаёти ҳам фарзандларининг оқибатсизлиги туфайли тинч эмас. У тўрт ўғил, икки қизни ёлғиз боши билан улғайтирди. Турмуш ўртоғи касаллик боис ҳаётдан эрта кўз юмганди. Она фарзандларини вояга етказиш учун тинмай меҳнат қилар, шу боис қариндош-уруғлар билан борди-келди қилишга, болаларининг тарбияси билан жиддий шуғулланишга фурсат тополмас эди. Ўғиллари отасиз ўсган бўлишига қарамасдан, мустақил равишда ҳаракат қилиб, ўз йўлини топиб кетди. Уйли-жойли бўлишди. Уларда онага нисбатан меҳр-оқибатдан бошқа ҳамма нарса бор...

Катта қизи ҳам ўзидан тинчиб кетгач, гал кенжа қизига келди. Онанинг кенжа қизига меҳри бўлакча эди. Доимо унинг кўнглига қарар, нима сўраса, муҳайё қиларди. Айтгани айтган, дегани деган. Эрка қиз ҳам вақти келиб турмушга чиқди. Аммо унинг болаликдаги хархашалари босилмаган, ҳадеб онасидан гоҳ кийим-кечак, гоҳ тақинчоқлар олиб беришни талаб қиларди. У ҳар доим ўзининг кенжа фарзанд эканини пеш қиларди-ю, аммо онани она ўрнида кўриш, унинг олдидаги фарзандлик бурчини адо этиш лозимлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмасди. Онаизор кенжа ўғли ва келини билан бирга яшаса-да, бор-будини қизига таширди. Қизи меҳмонга келгудек бўлса, ўғлининг болаларини тергаб, қизининг болаларини эркалатар, бундан эса ҳали мурғаккина набиралар ҳам ҳайрон, ҳам хафа бўлишарди...

Йиллар ўтиб она куч-қувватдан қолди. Энди у қизининг талабларини қондиролмасди. Шу боисми, кунора келадиган қизининг қадами ҳам сийраклашди. Кекса онахон бир кун соғ бўлса, икки кун кўрпа-тўшак қилиб ётади. Ана шундай маҳалларда унга бир пиёла иссиқ чой тутадиган, ҳолини сўрайдиган киши топилмайди. Ҳатто атрофидаги набиралари ҳам унга парвона бўлишни, меҳрибонлик қилишни хаёлларига келтиришмайди. Она фарзандлари олдида ўзи адо этиши керак бўлган барча вазифаларни бажарган эди-ю, бироқ фарзандларига энг муҳим нарсани, меҳр-оқибатли бўлишни ўргатмаганди.

Юқоридаги ҳар икки ҳолатда ҳам бир ота-онанинг фарзанди бўла туриб, бир оилада улғайиб вояга етган бўлса-да, оқибат сабоғини кўрмагани учун ўзаро бемеҳрлик қилаётган ака-укаларнинг, бунинг натижасида озор чекаётган муштипар онанинг аянчли тақдири яққол намоён бўлади. Биринчи оиладаги фарзандларга балки ёшлигида мол-мулкка эмас, жигаргўшаларига, яқинларига меҳр қўйишга ўргатилганида, улар бунчалик тубанлашмасмиди?

Иккинчи оиладаги фарзандларга ҳам ҳар доим бир-бирини суяши, асраб-авайлаши, меҳр-оқибатли бўлиши кераклиги уқтирилганида, бугун она фарзандлар меҳрига зор бўлиб ўтирмас, фарзандлар эса бир-биридан йироқлашиб кетишмаган бўлишармиди?

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, кишиларнинг оқибатли бўлиши учун ўзаро муносабатларида манфаат эмас, аксинча, инсонийлик устун бўлиши керак. Чунки муносабатлар замиридаги қитмир мақсадлар гарчи сиртдан билинмаса-да, зимдан инсонларни бирбиридан узоқлаштиради. Агар эътибор берган бўлсангиз, ўзаро гурунг чоғида айрим кишилар ҳақида сўз кетиб қолса, "ҳа, у фақат иши тушган чоғида сизни эслайди" ёхуд "у иши битганидан сўнг ҳеч кимни танимайди", дея таъриф беришади. Ана шундай кимсаларни ҳақли равишда оқибатсиз одамлар, деб аташ мумкин.

Оқибатлиликнинг яна бир ажойиб томони шундаки, бировга оқибат кўрсатган инсоннинг кўнгли равшан тортиб, руҳи енгиллашади ҳамда ҳаётга муҳаббати ортади. Айниқса, қариндош-уруғлар, ёру биродарларга кўрсатилган меҳр-оқибат киши кўнглига хотиржамлик ва ўзгача бир сурур бағишлайди.

Бундан ташқари, оқибат нафақат яқинларга, балки ён-атрофдагиларга, бизга таниш бўлмаган кишиларга ҳам кўрсатилса, натижада улар ҳам яқинимизга, биродаримизга айланади. Ана шундай ҳолларда оқибатнинг нечоғлик қудратли кучлигини янада теран ҳис қилиш мумкин. Бунинг акси бўлган, яъни яқин биродарлар ўртасидан оқибат кўтарилган жойда эса на файз, на барака бўлади. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳаётий ҳақиқатдир. Шундай экан, бир-биримизга оқибатли бўлайлик...

**Ҳидоят ЖЎРАЕВА**

*Навоий сабоқлари*

## ОЗ-ОЗ ЎРГАНИБ...

***Бевафо ҳақношунос элдин йироғлиғ истаким,***
***Келмади ҳаргиз алардин ғайри бедобу жафо.***
***Итга итлик айламак жону кўнгул бирла бўлур,***
***Ҳақшунос ўлсау бўлса анда ойини вафо.***

*Қадрингни билмайдиган бевафо кишилардан узоқ юришга ҳаракат қил, чунки уларнинг қўлидан жафо-ю, ситамдан бошқа нарса келмайди. Берган тузингни унутмайдиган, вафодор итга эса жону дилдан итлик қилсанг арзийди.*

* * *

***Бодаға кўргузса киши хиралиқ,***
***Ақл чароғиға берур тиралиқ.***

*Киши май ичишга ўч бўлса, бу унинг ақл чироғини хиралаштириб қўяди.*

***Бўлмаса Ҳақ ёдидан огоҳлиқ,***
***Билки, гадоликча эмас шоҳлиқ.***
***Бўлса гадо Тенгридин огоҳлиғи,***
***Бордур анга икки жаҳон шоҳлиғи.***

* * *

***Буким, Ҳақ айлади инсонни мавжуд,***
***Анга мавжудлиқдин борча мақсуд.***
***Эрур Ҳақ амриға маъмур бўлмоқ,***
***Бу ишдин ўзгадин маъзур бўлмоқ.***

*Оллоҳ таолонинг бу дунёни, ундаги мавжудотларни яратишдан мақсади инсон эди. Шундай экан, инсон ҳам ҳар лаҳза Ҳақ амрига итоат этиши, бундан бошқа ишлардан қўл тортиши лозим.*

* * *

***Тонгла қабри ҳам бу кунги маоши уйидек***
***тийра бўлғай,***
***Бахилнинг андоқки, бугун топқони***
***захира бўлғай.***

*Бахил топганини еб-ичмай, асраб қўйганидан куни чор-ночор ўтганидай, маҳшарда қабри ҳам ҳаётидек қоронғи бўлади.*

**Тўпловчи: Э.ОЧИЛОВ**







**Ishonch**

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият 153-52-78;
Хатлар бўлими 153-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 153-87-63

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2.
Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 7556 | E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru | Буюртма Г— 1014

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Бизнинг манзил:
700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Навбатчи котиб - Ҳ.Абдужалилов
Навбатчи муҳаррир - Н.Рафиқов
Навбатчи - О.Эргашев
Мусаҳҳиҳ - Н.Юлдашев

Саҳифаловчи-дизайнер: З.Бакиров ва Ю.Михайловский

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 20.50